

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 41-42-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (177-178)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

315. «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ–203-сон қарори

Учинчи бўлим

316. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 октябрдаги 224-сон қарори

317. «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори

320. «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш

механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори

Бешинчи бўлим

321. «Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 октябрдаги 97, 2005-52-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 октябрда 1092-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
322. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 30 сентябрдаги 95, 2005-53-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 13 октябрда 1260-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
323. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 23 сентябрдаги 93-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 977-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
324. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 октябрдаги 98, 2005-59-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 1097-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
325. «Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот беришнинг ягона қоидалари (стандарт)га қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 29 августдаги 2005-08-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 844-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
326. «Суғурта ташкилотлари томонидан ҳаражатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 20 июлдаги 65-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 1517-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
327. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 9 сентябрдаги 86, 104-сон

қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 1232-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 8 октябрдан 21 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

315 Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шarti аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини оширишдан, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг амалий иштирокидан иборатдир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини оширишга, фуқароларнинг хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан кенгрок фойдаланиш имкониятини яратишга, шунингдек, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим бўлган ҳуқуқий даврий нашрлар муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари, конун ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёри-тадиган 8 та юридик журнал (умумий тиражи 55 минг нусхадан кўпрок) чоп этилмоқда.

Шу билан бирга юридик журналларнинг мазмуни ҳали замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Мавжуд нашрлар ўз мазмун йўналиши ва мақсадли вазифаларини белгилаб берувчи чуқур ўйланган, аниқ ўқувчилар доирасига мўлжалланган концепцияга эга эмас. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг долзарб сиёсий-ҳуқуқий масалаларига тегишли даражада эътибор берилмаяпти. Журналлар таҳририяти мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад-вазифалари ва мазмун-моҳиятини англайдиган юқори малакали мутахассислар билан етарлича таъминланмаган.

Давлат-ҳуқуқий ва суд тизими, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда юридик журналлар родини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини ривожлантириш Концепцияси ва чоп этиладиган юридик нашрлар (журналлар) рўйхати 1-2-иловалар*га мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислохотлардан жамиятнинг кенг хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ва давлатни демократик янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шarti бўлиб қолмоқда.

2. Чоп этилаётган журналларнинг сифати, самарадорлиги ва савияси учун жавобгарлик журналларнинг бош муассислари зиммасига юклансин.

3. Қуйидагилар юридик журналларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

давлат ва жамият қурилишининг долзарб сиёсий-ҳуқуқий муаммолари, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муаммолари кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш;

қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, профилактика ишлари ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ёритиш;

фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек, одамлар онгида демократик кадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш;

нашрлар саҳифаларида юридик фан ривожига, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантиришга, юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга оид долзарб муаммолар бўйича мунозаралар ташкил қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқни ривожлантириш, унинг нормаларини миллий қонунчиликка тадбиқ этишнинг долзарб муаммоларини ёритиш.

4. Адлия вазирлиги, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, юридик журналларнинг бошқа муассислари ва таҳрир ҳайъатлари бир ой муддатда:

журналларнинг таҳририятларини чуқур ҳуқуқий билимларга ва оммавий ахборот воситаларидаги зарур иш тажрибасига эга бўлган, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг моҳиятини, мақсадли вазифаларини англайдиган юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

таҳририят ходимлари ва фаол муаллифлар меҳнатини чоп этилаётган материалларнинг юксак сифатли бўлиши ҳамда таҳририятлар жамоалари олдида турган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш имконини берадиган моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин;

юридик журналларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таҳрир ҳайъатларининг замонавий талаб ва андозаларни ҳисобга олган ҳолда журналларнинг баддий савиясини ошириш, уларни расмийлаштириш ҳамда дизайни сифатини яхшилаш мақсадида журналистлар, ёзувчилар, рассомлар ижодий уюшмалари билан мустаҳкам ҳамкорлигини ўрнатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

илмий-тадқиқот, таълим муассасалари билан биргаликда журналларнинг фаолиятига, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимларини ислох қилиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишга етакчи ҳуқуқшунос олимлар, тарихчилар, иқтисодчилар, социолог ва файласуфлар жалб этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги юридик журналларнинг электрон версиялари (сайтлари)ни яратиш ва уларни глобал Интернет тармоғида жойлаштиришда мазкур нашрларга ёрдам кўрсатсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоат бирлашмалари билан биргаликда юридик журналларнинг мақолаларидан мамлакатнинг муайян йўналишдаги олий ўқув муассасалари, коллежлари, лицейлари, мактаблари ва бошқа тарбия муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 октябрь,
ПҚ-203-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

316 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 24 июндаги ПФ-3618-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 октябрь,
224-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 октябрдаги 224-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 8-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин ва «Суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги давлат бошқаруви органлари» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-

дан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбоши «Аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги давлат бошқаруви органлари» сўзлари қўшилсин;

б) 5-бандда:

учинчи хатбошидан «мазкур банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилганлардан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи—еттинчи хатбоши тўртинчи—олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши «суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги давлат бошқаруви органлари» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи жумла билан тўлдирилсин:

«Бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган миқдорнинг 20 фоизи миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади»;

банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Дехқон хўжаликлари рўйхатдан ўтказиш йиғими тўлашдан озод қилинади»;

в) 11-банднинг иккинчи хатбошидаги «таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган» сўзлари «давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 12-бандда:

«а» кичик банди «бозор устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизини киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат» сўзлари билан тўлдирилсин;

«б» кичик банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

«Ушбу ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган, белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши керак»;

д) 72-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги мазмунда баён қилинсин:

«номи ўзгарган тақдирда — туман (шаҳар) статистика органлари томонидан белгиланган тартибда берилган янги фирма номи тўғрисидаги гувоҳноманинг, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхалари, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штамп намуналарининг уч нусхадаги эскизи»;

банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ҳолда таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда рўйхатдан ўтказган органга, шунингдек ушбу Низом 12-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар ҳам тақдим этилади»;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши тегишли равишда ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) Низом қуйидаги мазмундаги 76-банд билан тўлдирилсин:

«76. Бошқа органнинг юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ушбу реестрдан кўчирма ҳам тақдим этилади. Кўчирма тадбиркорлик субъекти мурожаати олинган пайтдан бошлаб бир кун мобайнида тадбиркорлик субъекти ҳисобда турадиган юридик шахслар давлат реестридаги орган томонидан берилади.

Тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказишда тадбиркорлик субъектига олдин рўйхатдан ўтказилган сана тўғрисида ҳамда рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумот кўрсатилган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Тадбиркорлик субъектини янгидан рўйхатдан ўтказган орган икки кун мобайнида ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган органга тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини юборади. Ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган орган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини олгандан кейин унинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини янгидан қайта рўйхатдан ўтказган органга юборди ва бу тўғрисида давлат реестрига тегишли ёзув киритади»;

76-банд 77-банд деб ҳисоблансин;

ж) 1-илованинг I бўлими «Рўйхатдаги ходимларнинг тахмин қилинаётган сони _____ киши» хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Асосий фаолият тури _____».

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 октябрдаги 224-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ундириладиган хорижий валютадаги божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар тарифлари ставкаларининг I бўлими.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорига 1-илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 6-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

317 **Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 25 июндаги 321-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 23-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 октябрь,
225-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорига
ИЛОВА

**Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий
монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,
тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама
тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш
ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 30 апрелдаги ПФ–3602-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 майдаги ПК–66-сон қарорига мувофиқ монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги (кейинги ўринларда матнда «қонун ҳужжатлари бузилганлиги» деб юритилади) тўғрисидаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари (кейинги ўринларда «монополияга қарши орган» деб юритилади) томонидан кўриб чиқилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Монополияга қарши орган ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида иш қўзғайди ва уларни кўриб чиқади.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади.

**II. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида
иш қўзғаш тартиби**

4. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги иш хўжалик юритувчи субъект, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жойлашган жой бўйича тегишли монополияга қарши орган томонидан қўзғатилади.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг марказий аппарати ҳудудий монополияга қарши органлар ваколатига тегишли бўлган ишларни ўзи кўриб чиқишга ҳақлидир.

5. Қуйидагилар қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш учун асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

назорат функциялари амалга оширилиши давомида ҳуқуқни бузиш белгилари мавжудлигини кўрсатувчи етарлича маълумотларнинг монополияга қарши орган томонидан бевосита аниқланиши;

давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва бошқа органлардан тушган ахборот, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, оммавий ахборот воситаларидаги ҳуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар (кейинги ўринларда матнда «ариза» деб юритилади).

6. Ариза монополияга қарши органга қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолатлари (белгилари)дан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ёзма шаклда берилади.

Аризада ариза берувчи ва унга нисбатан ариза берилган шахс тўғрисидаги маълумотлар бўлиши, қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари (белгилари) тавсифланиши зарур.

7. Монополияга қарши орган мазкур Низомга риоя қилган ҳолда берилган аризани олдиндан кўриб чиқади ва ариза билан бирга берилган ҳужжатлар ва материалларни ўрганади.

Монополияга қарши орган аризани олдиндан кўриб чиқишда ҳамда бошқа ҳужжатлар ва материалларни ўрганишда:

мазкур масалани ҳал этиш бўйича монополияга қарши органнинг ваколатини аниқлайди;

қонун ҳужжатлари бузилиши белгилари мавжудлигини аниқлайди;

иш кўзгаш учун материаллар етарли эканлигини аниқлайди;

ишда иштирок этиш учун жалб этилиши керак бўлган шахслар доирасини аниқлайди;

ишнинг тўғри ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун зарур бўлган бошқа масалаларни ҳал этади.

8. Монополияга қарши орган ариза ва материалларни олдиндан кўриб чиқиш давомида:

ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва фуқаролардан танишиш учун зарур материаллар ва ҳужжатларни сўраб олишга, улардан нусха кўчиришга ҳамда уларни иш материалларига қўшиб қўйишга;

ариза берувчи, шунингдек уларга нисбатан ариза берилган ҳўжалик юритувчи субъект, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан суҳбат ўтказишга;

ариза берувчидан ва уларга нисбатан ариза берилган шахслардан ариза билан мурожаат қилишга сабаб бўлган ҳолатлар (белгилар) бўйича ёзма ёки оғзаки тунтиришлар олишга;

ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа чоратадбирларни кўришга ҳақлидир.

9. Қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун монополияга қарши органда қонун ҳужжатлари бузилганлигини кўриб чиқиш бўйича монополияга қарши органнинг масъул ходимларидан иборат махсус комиссиялар (кейинги ўринларда «комиссия» деб юритилади) ташкил этилади.

Комиссия раиси ва унинг таркиби монополияга қарши орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Аниқ бир ишни кўриб чиқишда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми, шу жумладан раис қатнашади.

10. Аризани олдиндан кўриб чиқиш натижалари бўйича, тақдим этилган материаллар асосида комиссия раиси:

қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш;

муружаатда кўрсатилган масалалар, монополияга қарши органнинг ваколатига тегишли эмаслиги ёхуд қонун бузилганлиги белгилари йўқлиги муносабати билан иш қўзғаш рад этилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

11. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати (белгиси) бўйича иш қўзғаш ёки иш қўзғаш рад этилиши тўғрисида комиссия раиси томонидан ажрим чиқарилади.

Ажрим топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда буюртмалари хат билан ишни кўриб чиқишда иштирок этувчиларга юборилади.

Зарурият бўлганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати (белгиси) бўйича иш қўзғаш тўғрисидаги ажрим факсимил алоқа, электрон почта орқали ёки ажрим юборилганнинг уни олганлиги ҳолатини қайд этиш имконини берадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилиши мумкин.

III. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби

12. Қуйидагилар қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида унга нисбатан иш кўриб чиқиладиган шахс;

ишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллари; гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар.

13. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари иш қўзғаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб:

иш материаллари билан танишиш (давлат сирини ҳисобланган ва қонун билан қўриқладиган бошқа махфий маълумотлардан ташқари) ва улардан кўчирма олиш; овзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

далиллар тақдим этиш ва уларни ўрганишда қатнашиш;

ишнинг бошқа қатнашчиларига саволлар бериш;

илтимоснома бериш;

мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

14. Ишни комиссия мажлисида кўриб чиқиш раис томонидан ишнинг ҳолатлари энг тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилиши ва унга баҳо берилишини таъминлайдиган, қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этадиган ва унинг олдини оладиган, қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида унга нисбатан иш олиб бориладиган шахслар, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминладиган тарзда олиб борилади.

15. Қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш ариза тушган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади. Фавқулодда ҳолларда, ишнинг мураккаблигига қараб, кўрсатилган муддат узайтирилиши, бироқ 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ишнинг кўриб чиқилиши вақти ва жойи тўғрисида уларга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишда қатнашиш учун жалб этиладиган бошқа шахслар хабардор қилинади.

16. Ишни кўриб чиқиш комиссия таркибини эълон қилишдан бошланади. Ко-

миссия мажлисида раислик қилувчи қандай иш кўриб чиқилиши кераклигини эълон қилади ва унга нисбатан иш кўрилатган шахснинг номини айтади.

Ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилади.

17. Ишни кўриб чиқишда комиссия иш бўйича далилларни бевосита ўрганади, шу жумладан:

ишни кўриб чиқиш бўйича қатнашчиларнинг тушунтиришларини, мутахассисларнинг хулосаларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитади;

ёзма далиллар билан танишади ва уларни эълон қилади.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги мавжудлиги ёки бузилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган далиллар етарли бўлмаганда ёки мавжуд бўлмаганда ишни кўриб чиқишда иштирок этаётган қатнашчилардан қўшимча материаллар талаб қилиниши мумкин.

18. Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда комиссиянинг навбатдаги мажлиси санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда комиссия томонидан кечиктирилиши мумкин:

вакилнинг мажлисда қатнаша олмаслиги сабабли ишни кўриб чиқиш кечиктирилиши тўғрисида субъектнинг асосланган илтимосномаси муносабати билан;

субъектнинг қонун ҳужжатлари бузилишини кўрсатмасиз ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномаси муносабати билан;

қўшимча далиллар олиш зарурияти муносабати билан;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларидан бирортасининг ҳозир бўлмаганлиги ёки томоннинг вакилида ишончнома йўқлиги муносабати билан;

комиссия фикрига кўра ишни кўриб чиқишга экспертларни жалб этиш ёки бошқа шахсларнинг иштироки албатта зарурлиги муносабати билан;

ишни ушбу мажлисда ҳал этиш мумкин бўлмаганда.

19. Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

судда хулосалари ишни кўриб чиқиш натижалари учун аҳамиятли бўлган бошқа иш кўрилатганда;

экспертизадан ўтказиш ёки тегишли экспертнинг ёки мутахассиснинг хулосаси зарур бўлганда.

Ишни кўриб чиқиш уни тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан кейин давом эттирилади.

20. Ишни кўриб чиқиш комиссия томонидан қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман тўхтатилиши мумкин:

қонун ҳужжатлари бузилиши белгилари мавжуд бўлмаганда;

қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида унга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект тугатилганда ёки жисмоний шахс вафот этганда.

21. Ишни кўриб чиқишни кечиктириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тўхта-тиш тўғрисида ажрим чиқарилади, у комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади, унинг нусхаси ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига буюртмали хат билан, унинг топширилгани тўғрисидаги билдиришнома билан бирга жўнатилади.

22. Ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш натижалари бўйича комиссия қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганлиги ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг тегишли чоралари кўрилганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

23. Комиссия томонидан қарор кўриб чиқалаётган масала бўйича таклиф этилган шахслар иштирокисиз, очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмаслар. Комиссия раиси энг охирида овоз беради.

Агар комиссия раиси ёки аъзоси қарорга рози бўлмаса, у уни имзолаши шарт ва ўзининг алоҳида фикрини баён қилишга ҳақлидир, унинг фикри ишга қўшиб қўйилади.

24. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор ишни кўриб чиқиш тугаллангач дархол маълум қилинади. Бунда унинг фақат кўрсатма қисми маълум қилинади, матни эса ишга қўшиб қўйилади.

25. Қарор комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Комиссиянинг қарорнинг хулоса қисми маълум қилинган мажлиси ўтказилган сана қарорнинг қабул қилинган санаси ҳисобланади.

26. Комиссия мажлисида протокол юритилади, у комиссия аъзоларининг биттаси томонидан ёки комиссия раиси протоколни тузиш учун махсус жалб этган монополияга қарши орган мутахассиси томонидан тузилади.

Комиссия мажлиси протоколида қуйидагилар кўрсатилади:

ишни кўриб чиқаётган монополияга қарши органнинг номи;

ишнинг номи ва тартиб рақами;

мажлисининг ўтказилган йили, ойи, куни ва жойи;

комиссия таркиби;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг ҳозир бўлганлиги ва уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг оғзаки илтимосномалари;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг ишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва далилларига қарши эътирозлари;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг тушунтиришномалари, мутахассисларнинг ёзма изоҳларини эълон қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

гувоҳларнинг кўрсатмалари;

комиссия қабул қилган қарор;

бошқа маълумотлар.

Мажлис протоколи комиссия раиси, аъзолари ва комиссия мажлиси котиби томонидан имзоланади.

IV. Кўрсатмалар бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш тартиби

27. Комиссия қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатма берилди.

Кўрсатма комиссия раиси томонидан имзоланади.

28. Кўрсатма унда кўрсатилган муддатда бажарилиши керак.

Қарор (кўрсатма)нинг муддатида бажарилмаслиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка олиб келади.

Қарор ва кўрсатманинг жўнатилганлигини билдирувчи почта ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатлар иш материалларига қўшиб қўйилади.

Кўрсатманинг бажарилганлиги субъектни текшириш далолатномаси билан ёхуд қонун ҳужжатлари бузилиши бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан тасдиқланади, ушбу ҳужжатлар иш материалларига қўшиб қўйилади.

Иш кўрсатма бажарилгандан кейин тугалланган деб ҳисобланади.

Агар текшириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганлиги ёки бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги аниқланса кўрсатма бажарилмаган ҳисобланади.

Кўрсатма қуйидаги ҳолларда қисман бажарилмаган ҳисобланади:

кўрсатмага мувофиқ бартараф этилиши керак бўлган барча қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда;

кўрсатмада назарда тутилган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва органларга нисбатан қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда.

Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деганда кўрсатманинг субъект томонидан бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлиги тушунилади.

Кўрсатмалар ўз вақтида бажарилмаган деганда кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади.

29. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмани бажариш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома киритишлари мумкин.

Кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатлари бузилишларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Илтимосномада кўрсатилган ҳолатлар комиссия томонидан сабабли деб эътироф этилган тақдирда комиссия кўрсатманинг бажариш муддатини узайтириш, лекин кўпи билан уч ойга узайтириш тўғрисида ажрим чиқаради.

30. Монополияга қарши орган қабул қилинган қарорлар ва берилган кўрсатмалар ҳисобини юритади.

V. Ажримлар, қарорлар ва кўрсатмалар мазмунига қўйиладиган талаблар

31. Комиссия ажримни алоҳида ҳужжат тарзида чиқаради.

Ажримда қуйидагилар бўлиши керак;

монополияга қарши органнинг тўлиқ номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, комиссия таркиби, кўриб чиқиш предмети;

иши кўриб чиқиладиган шахс (шахслар) тўғрисидаги маълумотлар;

ажрим чиқариладиган масала;

комиссиянинг қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда, ўз хулосасини чиқаришига асос бўлган сабаблар;

кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса.

32. Комиссия қарорида қуйидагилар бўлиши керак:

қарор қабул қилган монополияга қарши органнинг номи, комиссия таркиби, ишнинг тартиб рақами, қарорнинг қабул қилинган санаси ва жойи, ишни кўриб чиқиш предмети, иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги, шунингдек ишни кўриб чиқишнинг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар;

ишни кўриб чиқишда аниқланган ҳолатларнинг, комиссиянинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далилларнинг, содир этилган қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликка асосланишнинг баёни;

қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти аниқлангани тўғрисидаги хулоса, мазкур қонун бузилиши учун назар тутилган молиявий санкциялар миқдори, молиявий санкцияларни ихтиёрий равишда тўлаш муддати ва тартиби тўғрисидаги тушунтириш;

кўрсатма бериш тўғрисидаги хулоса;

қарор юзасидан шикоят билдириш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа маълумотлар.

Қарорда қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ жиноятлар белгилари бўйича жиноий ишлар қўзғаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун материал-

ларни прокуратура органларига, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларга жўнатиш тўғрисидаги тавсиялар берилиши мумкин.

33. Кўрсатмада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

монополияга қарши органнинг тўлиқ номи, ишнинг тартиб рақами, кўрсатма берилган сана;

кўрсатма берилишига асос бўлган қарор тўғрисидаги маълумотлар;

ўзига нисбатан кўрсатма берилаётган шахснинг номи;

шахс томонидан бажарилиши керак бўлган аниқ ишлар ва уларни бжариш муддатлари;

кўрсатма юзасидан шикоят билдириш тартиби тўғрисида тушунтириш.

34. Ажримлар, қарорлар ва кўрсатмалар намуналари Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг ажрими, қарори ва кўрсатмаси топширилгани тўғрисидаги билдиришнома билан буюртмали хат орқали жўнатилади ёхуд қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига ёки уларнинг вакилларига тилхат бўйича тақдим этилади.

VI. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун молиявий санкцияларни қўлланиш тартиби

35. Молиявий санкция қўлланиши назарда тутилган қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс монополияга қарши орган белгилаган муддат мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлашга ҳақлидир.

Молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланган тақдирда унинг тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўлов вақтидан бошлаб икки иш куни мобайнида монополияга қарши органга тақдим этилиши керак.

36. Агар қонун ҳужжатларини бузган шахс белгиланган муддат мобайнида ўзи содир этган қонун ҳужжатлари бузилгани учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўламаса монополияга қарши орган тегишли молиявий санкциялар белгилаш тўғрисида судга мурожаат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ бўлган молиявий санкцияларни ундириш ундириладиган суммани тўловчига ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

Молиявий санкцияларни тўлаш монополияга қарши органнинг қарорини ёки кўрсатмасини бажариш ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод қилмайди.

VII. Монополияга қарши орган қарорлари (кўрсатмалари) юзасидан шикоят билдириш тартиби

37. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари монополияга қарши орган қарори (кўрсатмаси)га рози бўлмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда судга ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-

қувватлаш давлат қўмитасига қарор (қўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ёхуд қарор (қўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

38. Ариза бериш монополияга қарши орган қарори (қўрсатмаси)нинг амал қилишини тўхтатиб турмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

320 Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пахта толасини хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек хорижий инвестицияларни республика енгил саноатига жалб этишни янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 октябрдаги 447-сон қарорига мувофиқ пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга етказиб бериш улар билан ташқи савдо компаниялари ўртасида имзоланган шартномаларга қатъий мувофиқ ҳолда, «Коттон Оутлук»да эълон қилинадиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти котировкаларига мувофиқ юклаб жўнатиш санасида вужудга келадиган жаҳон нархлари бўйича, 15 фоиз миқдоридаги чегирма билан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, 2005 йили ҳосилидан бошлаб пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш банклар, Ўзбекистон «Сифат» маркази, пахта терминаллари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича қўшимча тўловларни, шу жумладан тўлови ташқи савдо компаниялари ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган терминалларда пахта толасини сақлаш ва суғурта қилиш харажатларини ундирмасдан амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари орқали сотиш 2005 йил пахта хом ашёси ҳосилидан бошлаб счё-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммасини пахта толасининг улгуржи сотиш нархида ажратиб кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Пахта толасини эркин алмаштириладиган валютага хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 октябрь,
232-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

321 Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 октябрда 1092-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 21 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 3 январдаги 2 ва 2002-1-сон қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2002 йил 3 январь, рўйхат рақами 1092 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 1-2-сон; 2003 й., 3-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 октябр,
97-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 октябр,
2005-52-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

322 Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
13 октябрда 1260-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 23 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавогарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–100-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 июлдаги 76 ва 2003-62-сон қарори билан тасдиқланган «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (2003 йил 21 июль, рўйхат рақами 1260 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 13-14-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 52-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Ташкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
95-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Ташкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
2005-53-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУФИ**323** Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 977-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 28 октябрдан кучга киради)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **бююраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 сентябрда 68-сон билан тасдиқланган «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомга (2000 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 977 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 19-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 сентябрь,
93-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

324 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
18 октябрда 1097-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 28 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–100-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23 ва 24-сонлар, 168-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда 7, 2002-8-сон қарор билан тасдиқланган «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1097 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон 121-модда; 2005 й., 5-6-сон, 41-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 октябрь,
98-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Ташкент ш.,
2005 йил 10 октябрь,
2005-59-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

325 Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот беришнинг ягона қоидалари (стандарти)га қўшимчалар киритиш тўғ- рисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
18 октябрда 844-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 28 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган «Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот беришнинг ягона қоидалари (стандарти)га (1999 йил 1 декабрь, рўйхат рақами 844) қўшимчалар» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош
директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 29 август,
2005-08-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ BAZIRINING
БУЙРУҒИ**326** Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда 1517-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 28 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 70-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. «Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 20 июль,
65-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ VAЗИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MEХНАТ VA АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ VAЗИPЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**327 Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғри-
сидаги низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
18 октябрда 1232-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 28 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-120-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 3 апрелдаги 49 ва 45-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низом»га (2003 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1232 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8 ва 11-сонлари) иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 сентябрь,
86-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 сентябрь,
104-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 8 октябрдан 21 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 октябрдаги 97, 2005-52-сон қарори.*

2005 йил 11 октябрда 1092-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 21 октябрдан кучга киради).

2. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 30 сентябрдаги 95, 2005-53-сон қарори.*

2005 йил 13 октябрда 1260-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 23 октябрдан кучга киради).

3. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 23 сентябрдаги 93-сон буйруғи.*

2005 йил 18 октябрда 977-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 октябрдан кучга киради).

4. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 октябрдаги 98, 2005-59-сон қарори.*

2005 йил 18 октябрда 1097-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 октябрдан кучга киради).

5. «Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот беришнинг ягона қоидалари (стандарт)га қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 29 августдаги 2005-08-сон буйруғи.*

2005 йил 18 октябрда 844-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 октябрдан кучга киради).

6. «Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш

ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 65-сон буйруғи.*

2005 йил 18 октябрда 1517-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 октябрдан кучга киради).

7. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 9 сентябрдаги 86, 104-сон қарори.*

2005 йил 18 октябрда 1232-З-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 октябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

«Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари. II бўлим» ва «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари. III бўлим»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзэнергоназорат инспекцияси бошлигининг буйруғи.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжатлар техник ҳужжатлар деб топилди, шунинг учун улар белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.